



БОШ МАВЗУ

# Оила ва жамият

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

29 (1284)-сон 20 июль 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

Мустақиллик – энг улуг, энг азиз неъмат. Зеро, бугун эришилган юксак марралар, озод ва обод Ватанимиз мавзаралари, аввало, истиқлол шарофатидан. Албатта, бу кунларга, бу ютуқларга осонликча эришилгани йўқ. Президентимиз таъкидлаганидек, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажрибамизда учрамаган ўта оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди. Ҳақиқатан ҳам мустақиллик остонасида Ватанимиз қандай аҳволда эди, яъни биз ўша кезларда ким эдик? Давлатимиз раҳбарининг

керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмапти”.

Бу гаплар бугунги кун учун оддий-дек туюлиши мумкин. Аммо ўтган асрнинг 90-йилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга қариб бориб, ўша давр руҳидан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, бу ниҳоятда катта жасорат билан айтилган фикр эканига амин бўламиз.

– Ўша йилларда таълим тизимидаги аҳвол ҳам кундан кун оғирлашиб борар, одамлар ҳаётдан норози, умидсиз эди, – дея хотирлайди фахрий педагог ўрлобой Қобилов. – Бундай ноҳақликка, хўрлик ва таҳқирларга

ятга қарамасдан, юртимизда таълим соҳасидаги долзарб вазифаларни ҳал этиш йўлида дастлабки қадамлар ташланади.

– Тасаввур қилинг, ўша пайтда 20 миллион аҳоли яшайдиган мамлакатда 1700 та мактаб биносининг авария ҳолатда экани ниҳоятда ачинарли ҳолат, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдухалил Маврулов.

– Қолаверса, ўқув дастурлари ва дарсликлар маънавий-мафкуравий жиҳатдан эскирган, педагоглар кўли ишдан совутган, ўқувчиларнинг билим олишга қизиқиши ҳаддан ташқари



“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўқиган ҳар бир киши буни янада теранроқ тушунади. Бугунги тинч-осуда ва фаровон ҳаёт ўз-ўзидан бўлмаганини англа етади.

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлини таянади. Ўша йиллари барча соҳаларда узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ниҳоятда мураккаб ва кескин тус олганди. Жумладан, халқ таълими тизими ҳам аянчли аҳволда эди. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида бу ҳақда сўз борар экан, шундай дейилади: “...Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобон биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи kiffoя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало, шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун

ортиқ бардош беришнинг имкони қолмаган эди. Энг янғилиси, таълим-тарбия тизимида миллий хусусиятлар мутлақо инобатга олинмасди. Таълим масканлари шўролар мафкурасини мустақамлашга хизмат қилар эди. Нафақат тарих, она тили, адабиёт, ҳаттоки физика каби аниқ фанлар ҳам коммунистик мафкура билан сугорилган эди. Юртимиз ҳақидаги маълумотлар ушбу фанда деярли йўқ эди. Ваҳоланки, ўтмишда физика фани ривожига улкан ҳисса қўшган қанчалаб алломаларимиз ўтган. Буларнинг барчаси тизимини, тарихимизни йўқ қилиш орқали бизни қадим маданиятимиздан, маънавиятимиздан, ўзлгимиздан айришга қаратилган маккор стратегия мақсули эди.

Ана шундай кескин бир шароитда узоқни кўзлаган, чуқур асосланган йўлни топиш ва уни амалга ошириш осон эмасди. Худди мана шундай оғир ва ўта чигал бир даврда Президентимиз Ислом Каримов таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилмасдан туриб, бошқа бирон бир тизимни ўзгартириб бўлмаслигини қайта-қайта таъкидлади. Шу боис, мамлакат амалда очарчилик остонасида турган 90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вази-

сусайган эди. Буларнинг барчаси ўз вақтида Президентимиз томонидан илмб олинди ва 1990 йил 4 августда – ҳали собиқ мустабид тузум жон таслим этмаган бир пайтдаёқ таълимни ислоҳ қилмасдан туриб мамлакат тараққиётини таъминлай олмаймиз, деган гоё ўртага ташланди. Яъни бунинг учун бизга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури керак, деган фикр ўша даврдаёқ билдирилди.

Бундай улкан мақсадни амалга ошириш, қолаверса, йиллар давомида йиғилиб, одамлар руҳини эгиб қўйган муаммоларга барҳам бериш ўз-ўзидан бўлмасди. Бунинг учун аввало тўла эркинлик, мустақиллик керак эди. Шукрки, 1991 йил 31 август куни халқимиз ана шундай бахтга эришди. Шу кундан бошлаб, халқимизнинг асрий озулари бир-бир рўёбга чиқа бошладди. Бошқа соҳалар каби таълим тизimini ҳам тубдан ислоҳ этишга қаришилди. Зеро, бу ишни бир дақиқагада кечиктириб, ортга суриб бўлмасди. Негаки, 1991 йилгача мавжуд 8214 мактабнинг атиги 57 фоизи таълим-тарбия жараёни учун мўлжалланган биноларда жойлашган эди, холос.

(Давоми 3-бетда)

Мен истиқлол тенгдошиман

### ЮРТИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚўШСАН ДЕЙМАН



Азизбек Узоқов Дилшод ўғли, Андижон давлат тиббиёт институти педиатрия факультети 6-босқич талабаси:

– Бугун, биз ёшлар бошимизни балинд кўтариб, имкониятлардан гурурланиб яшапмиз. Истиқлолнинг туб моҳиятини ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдириш мақсадида ҳар йили байрам шуқуҳи маълум бир шиор асосида юқори савияда ўтказилади. Кенг қўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти, аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, кеча ким эдигу, бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуг, энг азиз айём бўлмиш – Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш ҳар биримизнинг бурчимиз, Ватанга муҳаббатимиз намунаси дур.

Ўз ватанини севган ҳар қандай инсон, айниқса, ёшлар мустақиллик шодиенасига ўзининг муносиб совғаси билан келади. Мен ҳам тенгдошларим қатори интилиш ва иланишларим билан юртим тараққиётига ҳисса қўшсам дейман.

Мамлакатимиз ва вилоят миқёсида ўтказилаётган илмий-амалий анжуманларда қатнашиб, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар, янгиликлардан бохабар бўлиб, билимларимни бойитиб боришга ҳаракат қиламан. Кўплаб мақола ва тезисларим хорижий журналлар ва тўлламларда чоп этилмоқда.

2014 йил 25 март куни Андижон давлат тиббиёт институтида ташкил этилган “Тиббиётнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги ёш олимлар ва талабалар Республика илмий-амалий анжуманида инглиз тилида маъруза қилиб, 1-даражали диплом билан тақдирландим. Маънавий, иқтисод, ҳуқуқ, тарих, информатика ва ахборот технологиялари, ҳамда чет тилларига қизиқаман.

“Тўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” эзгу гоис биларни янада жипс-лаштиридаи ва биз мустақиллигимизни кўз қорачигимиздек асраб, унга муносиб фарзанд бўламиз.

# БОБУР БОҒИДАГИ МАРАФОН

Ўртимизда аёллар спортини ривожлантириш, спортни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали хотин-қизлар саломатлигини асраш, уларда ўз соғлиғига нисбатан масъулликни кучайтириш, соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда энг нафис спорт тури ҳисобланган бадий гимнастикага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аёллар спортини ривожлантириш борасида ўтган йили Ўзбекистон

Хотин-қизлар қўмитаси ва ҳамкор ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 2000 галдан 2000 галга яқин спорт мусобақалари ўтказилиб, спорт билан мунта-



зам шугулланувчи ва спортга жалб қилинган хотин-қизлар сони 48,2 фоизни ташкил этди. Маҳалла фаоллари ва уй бекалари орасида ўтказилган "Гимнастика барча учун" спорт фестивалида 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган аёллар қатнашдилар, оилалараро "Оғам, онам ва мен спортчи оила"

мусобақаларида 62424 оила иштирок этди.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорлигида марафон ўтказилди.

— Анъанавий марафонда Тошкент шаҳри маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган 110 нафар маслаҳатчи, махсус мактаблардан имконияти че-

кланган 110 нафар болажон қатнашди, — дейди Республика хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Гулрух Дониёрова. — Мақсад соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аҳоли орасида тиббий маданиятни ва спорт мусобақаларининг оммавийлигини ошириш, ёғи таътил кунларини янада марокли ўтказишдан иборат.

Марафонда иштирокчилар 1,5 километр масофа югурди. Болалар ўртасида шашка мусобақаси, "Ёз ўтмоқда соз" мавзусида асфальтга расм чизиб бўйича ижодий танлов ўтказилди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Воситхонова сўзга чиқди.

Фитрат ГАНИЕВ,  
Мадина АЛЛАЁРОВА



## СОҒЛОМ АВЛОД - ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳузурида ташкил этилган тиббий-ижтимоий ёрдам хизмати фаолияти таҳлилига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Жисмонан баркамол, маънан етуқ фарзандларни тарбиялаш, овалик ва болаликни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантиришга кўмаклашиш, ижтимоий дастуруларни амалга оширишда фаол иштирок этиш "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг асосий вазифаларидан саналади.

Фонд томонидан ўтган вақт мобайнида кўча тиббий ижтимоий ёрдам, она ва бола скрининги, болалар ва ҳомилалар аёлларни соғломлаштириш, болалар тиббиёт ва туғруқ муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш, вилоятнинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларига "Саломатлик" поездлари ташкил этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Фонд ҳузурида ташкил этилган Кўча тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси таркибида ўнлаб малакали шифокорлар, тиббий-ижтимоий ходимлар фаолият олиб бормоқда. Шу кунга қадар Кўча тиббий-



ижтимоий ёрдам бригадаси томонидан қишлоқ ва маҳалладаги аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга дори-дармонлар етказиб берилди. Ногиронлик аравачалари, кўлтиқтаёк, шунингдек, қишқи ва ёғи оёқ кийимлар, кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 2015 йилда Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти мутахассислари вилоятда бўлиб, 56 бемор болани Қарши шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Кўрик натижаларига кўра, даволанишга муҳтож бўлган уч нафар бола Германия ва Ҳиндистоннинг етак-

чи клиникаларига юборилди.

— Конференцияда ўтган давр мобайнидаги ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди қошидаги "Ягона эзгуният" шўъба корхонаси раҳбари Камола Элбова. — Айни пайтда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги ишларимиз яхши самара бермоқда.

Конференцияда фаол ходимларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат СУЛТОНОВ,  
"Оила ва жамият" мухбири

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали ҳузуридаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси тушган автомашина бу гал Шаҳрисабз туманидаги олис тоғли Филон қашлоғи томон йўл олди.

### ФИЛОНЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳолисинга тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида биринчи галда оналар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга дори-дармонлар тарқатилди. Аҳолининг саломатлиги текширилди.

Кишилар ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, айниқса, ҳозирги ёз мавсумида меваларни истеъмол қилишда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш билан турли касалликларнинг олдини олиш ҳуусида ўтказилган суҳбатлардан аҳоли мамнун бўлди.

— Ҳудудимизда 5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 1332 нафарини аёллар, 1300 нафарини болалар ташкил этади, — дейди Филон қишлоқ участка шифохонаси шифокори Ҳусайин Ниёзов. — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ходимлари қишлоқ аҳолисинга ҳар томонлама тиббий хизмат кўрсатгани бизни мамнун қилди.

Шунингдек, фондининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси Қашаги туманидаги Лангар, Деҳқонобод, Нишон туманларидаги чегара ҳудудлари аҳолисини ҳам тиббий кўриқдан ўтказди.

Дилдора ХУДОЙБЕРДИЕВА

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини маъмули ташкил этишга бағишланган медиа-тур ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ёзги таътилда оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг мавсумида бўш вақтини маъмули ташкил этиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, вилоятдаги таълим муассасалари қошида ташкил этилган 153 кундузги болалар оромгоҳида 17 минг 600 дан зиёд ўқувчини дам олдириш учун барча шароит яратилди. Ҳафтанинг душанба-жума кунлари фаолият олиб борадиган мазкур дам олиш майдончалари 15 августга қадар гавжум бўлади.

— "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасида ўқувчи-ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришга, уларга мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар, янгиланишлар, эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб боришга, соғлом турмуш тарзи ва китобхонликни кенг тарғиб қилишга алоҳида

## Кундузги оромгоҳлар журналистлар нигоҳида

этибор қаратилган, — дейди вилоят Халқ таълими бошқарма бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Яхшиғул Шодиева.

Медиа-тур тумандаги 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳ фаолияти билан танишишдан бошланди.

— Мактабимизда ўнлаб тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди мазкур мактаб директорининг маданий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Назоқат Душаева. — "Ёш мусаввир", "Ёш дастурчи", "Моҳир кўлар", "Драма", "Муסיқа сеҳри", "Инглиз тили", "Қувноқ стартлар" сингари тўғарақларимизга тажрибали мутахассислар жалб этилиб, уларга зарур методик қўлланмалар, кўрағамали воситалар тарқатилган. Тўғарақларда мусобақалар уюштирилиб, фаол ўқувчилар рағбатлантирилмоқда.

Медиа-тур доирасида журналистлар тумандаги



Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, "Баркамол авлод" болалар марказида бўлиб, спорт секциялари ва турли тўғарақлар фаолияти билан танишди. Мухтор Ашрафий номидаги болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари ижросидаги концерт дастури медиа-тур иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Нигинабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бу шунчаки оддий рақамлар эмас, — дейди қашқадарёлик фахрий педагог Йўлдошбек Кенжаев. — Бугун бир халқнинг, миллатнинг фарзандлари тақдир, орзулари, келажакга дахлдор аниқли дадиллар. Чунки ҳар қандай рақам ортда инсон, унинг тақдир, юртимиз аҳолисининг ҳаёти ва истиқболи билан боғлиқ масалалар бор. Чиндан-да илгари қандай эди мактабларимиз? Битта қоп-қора доска, латта ва бўр. Кўпчилик мактаблар аҳоли шундай эди. Баъзи бир ихтисослашган мактаблардагина айрим лаборатория жиҳозлари бўлди. Аммо улар ҳам деярли ишлатилмас, чанг босиб ётарди. Айрим мактабларга кирсангиз томи босиб қолмасмикан, деган хавотирга тушардингиз. Синфхоналарни-ку айтмасча ҳам бўлади: поллар ёрилган, деворлар нураб кетган эди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан бошланғич синфларда чет тилларини ўқитиш учун 17 222 чет тили хонаси тайёрланди ва уларнинг барчаси DVD-магнитола, ўқув-қўرғазмалли куроллар, лугат ва адабиётлар билан таъминланди. Шунингдек, 42 нафар йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси Буюк Британиянинг нуфузли университетда ихтисослик бўйича малака оширди.

Мана шундай кескин муаммоларни ҳал этиш ва таълим тизимини миллий ағъаналаримизга, замон талабларига жавоб берадиган янги бир поғонага кўтариш учун соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиш зарур эди. Шу боис, қабул қилинган дастлабки қонуналар, аввало, шу буюк мақсадга йўналтирилди. 1992 йил 2 июлда “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида ҳам таълим соҳасидаги давлат сиёсати ўз инфодасини топди.

— Бошқа соҳалар каби таълим тизимида ҳам мустақил тузумдан бизга шунчалар оғир, шунчалар ночор мерос қолгандики, бу муаммоларни, бу кескинликларни ҳал этиш учун бир неча ўн йиллар керак бўларди, — дейди халқ таълими аълочиси Гулчехра Умарова. — Шу боис, 1996-1997 йилларда ҳам юртимизда умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юрталарининг моддий-техник базаси талаб даражасида эмасди. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз Ислоом Каримов соҳада йиғилми қолган жиддий муаммоларни бартараф этиш ва тизимни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган муҳим дастурни ҳужжатлар қабул қилиш лозимлигини кун тартибига қўйди. Теъдда “Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини тузиш” комиссияси ташкил этилиб, унга Президентимиз бевосита раҳбарлик қилди.

Айтиш керакки, халқ, миллат тақдирига дахлдор бундай муҳим ҳужжатни қабул қилиш жараёни ҳам осонликча кечгани йўқ. Буни давлатимиз раҳбарининг ўша жараёнда билдирган мана бу фикрлари ҳам тасдиқлайди: “Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатади. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-қадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик”.

Ана шундай машаққатли меҳнатлар натижасида 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг IX сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жуда долзарб ҳуқуқий ҳужжатлар — “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг Янги таҳрири ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Шу тариха мамлакатимизда қадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими яратилди. 2009 йилдан бошлаб 9+3 тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимига ўтилиши эса фарзандларимиз таълим-тарбиясида янги уфқларни очиб берди.

— Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз-ўзидан юзага келган ҳужжат эмас, — дейди фалсафа фанлари номзоди Абдурахим Эркаев. — Пухта ўйланган ва кўп йиллик ижодий изланишлар маҳсули бўлгани учун ҳам у ниҳоятда мукаммал чиқди ва уни бутун дунё тан олди, эътироф этди. Фахрлинишга арзийдиган яна бир жиҳат: биз дунёда иккинчи бўлиб бу дастурни қабул қилдик.

Тизимдаги ислохотлар бу билан тўхтаб қолмади. Аксинча бу жараён йил сайин ривожлантириб борилади.

— Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мангидий давоми бўлиши Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 2004-2009 йиллар мобайнида 8500 дан ортиқ, 2010-2016 йилларда эса 2255 умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Ушбу ишларга 2,9 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Эътиборли жиҳати, ушбу таълим масканларининг 4173 таси янгидан бунёд этилди. Қолаверса, таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан таъминлашга 1,09 триллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳа, истиқлол йилларида юртимизда таълим тизими учун ажратиладиган маблағ миқдори йил сайин ортиб борди. Нима учун? Чунки таълимга сарфланган маблағ келажакда ниҳоятда катта куч бўлиб майдонга чиқиши муқаррар эди. Яъни, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилётган пайтдаёқ вақти-соати келиб, у албатта, ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га сабаб бўлади, деган ишонч билдирган эди. Ва бугун шундай бўлди ҳам. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонун асосида олиб борилган босқичма-босқич ислохотлар натижасида биз ҳақонда таълим соҳаси энг ривожланган мамлакатлар сафига кирдик. Шу маънода, таълим тизимининг “ўзбек модели”ни юртимиз тараққиётининг олтин пойдеворига

Мустақиллик йилларида таълим соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун 4026 нафар устоз ва мураббий турли давлат мукофотлари билан тақдирланди.

қиёслаш мумкин.

— Биз одатда таълим ислохотлари ҳақида гапирганда қурилиш ишлари, моддий-техник янгиланишларга кўпроқ ургу берамиз, — дейди А.Эркаев. — Буларнинг ҳаммаси тўғри, кўз ўнгимиздаги ҳақиқат. Аммо энг катта ютуқ мустақиллик йилларида таълимни ислоҳ қилиш орқали нафақат моддий-техник базани мустаҳкамладик, балки том маънода миллий мактаб яратинишга эришдик. Яъни таълимни тўла миллийлаштирдик.

Дарҳақиқат, ҳар томонлама қулай

бино ва иншоотлар, лаборатория ускуналари, компьютер техникалари — булар соҳа ривожининг бир жиҳати холос. Энг муҳими, мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбиянинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Буни нафақат юрдошларимиз, балки дунё ҳамжамияти тан олмоқда, хавас қилмоқда, эътироф этмоқда. Турли мамлакатлар бизнинг бу борадаги тажрибаларимизни катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

2012 йилда Тошкент шаҳрида “Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоди тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт”и мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда турли халқаро ташкилотлар ва 48 давлатдан мутахассис ва

1991 йилда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши 55,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 99,4 фоизга етди.

экспертлар иштирок этди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш бора-бор тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принциплар ва ёндашуларини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

— Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир. Президент Ислоом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омил бўлмоқда”, — деди Осий тараққиёт банки президенти Харухико Курода.

— Ўзбекистондан кўп нарсани ўрганишимиз керак”, — деди Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий.

— Таълим соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистон учун барча жабҳаларда ривожланишнинг асоси бўлишига аминман”, — деди Франция Сенатининг Маданият, таълим ва коммуникациялар қўмитаси расийнинг ўринбосари Франсуаза Картрон.

— Бундай эътирофларга осонлик билан эришганимиз йўқ, — дейди Ф. Аҳмедов. — Эътибор беринг, бугун дунёнинг манамаман деган илгор мамлакатларида ҳар йили таълимга ажратилаётган маблағ 3-5 фоиздан ошмаётган бир шароитда юртимизда айни шу мақсадга йўналтирилган маблағ ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ёки бошқа бир мисолни олайлик, қайси юртда таълим етти тилда олиб борилади?! Мана, нима учун дунё бизга хавас қилмоқда! Бундан гурунламай, фахрланмай бўладими?! Ахир эсланг: бундан 25 йил аввал “Ўзбекистон — келажак буюк давлат!” шiori ўртага ташланганида айримларнинг бунга истеҳзо билан қараганини унутганимиз йўқ ҳали. Эҳтимол, ўша инсонлар “Ўзбекистон ёшлари илм-фан, санъат, спорт соҳаларида жаҳонга чиқди, юксак марраларни забт этади”, “Таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 141 мамлакат орасида етакчи ўринни эгаллайди”, деган гапларни тасаввурга ҳам сиғдирга олмагандир. Аммо бугун буларнинг ҳаммаси кўз ўнгимизда содир бўлаяпти.

Бугун таълим соҳасида олиб борилган ана шу 25 йиллик оғир, машаққатли ва шарафли меҳнатнинг ширин медалари ёшларимиз эришяётган ютуқларда намоён бўла юзлаб, минглаб мисоллар бор. Ёшларимизнинг

халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат фестиваллари ва кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари билан қанча гурунланасан шунча кам.

Биргина мисол: ўтган йиллар мобайнида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан минглаб ўғил-қизлар турли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, 716 та олтин, 534 та кумуш, 636 та бронза медалларини қўлга киритишди. Мустақилликдан олдин бундай ютуқларни ким тасаввур эта олар эди? Ўша вақтларда истеъдодли, иқтидорли болалар йўқ эдимми? Бор эди. Бироқ ўша болаларнинг иқтидорини юзага чиқарадиган шароит бўлмаган. Шу боис ким билди, қанча-қанчалаб юртимиз фарзандларининг, иқтидорли, кучли ўғил-қизларининг номлари юзага чиқмай қолиб кетгандир. Ахир, истеъдодни юзага чиқариш учун аввало, имконият, шароит, хайрихоҳлик керак. Бу — оддий ҳақиқат.

Масалан, мустақилликкача атиги 2812 мактабда спортнинг баъзи турларигагина мослашган спорт заллари мавжуд эди. Бу рақамлар “Биздан олдин нега чемпионолар чиқмаган?” деган саволга жавоб. Бугун мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг саксон фоиздан ортиғи янгидан қурилган ва капитал таъмирланган спорт залларига эга. Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Натижада сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шугулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга орди. Яъни, айни пайтда юртимизда 2 миллион 600 мингдан ортиқ ўғил-қиз спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шугулланмоқда.

2004 йилда 14 фоз мактаб компьютер билан таъминланган бўлса, бугун энг сўнгги рӯсулдаги компьютерлар билан жиҳозланган мактаблар 81,5 фоизни ташкил этади.

— Илгари бошқа одам эдик, бошқа жамият эдик, руҳиятимиз ҳам бошқача эди, — дейди Республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат академик лицейи директори Зулфиқор Холмиров. — Шунданми, айримлар ўғли ё қизи санъаткор бўламан деса, “артист” бўласанми, дея қаршилиқ қиларди. Бугун бу борадаги қарашларимиз ҳам ўзгарди. Натижада эса кўриб турибмиз: бу йўналишларда ҳам ўзбек ёшларини олам танимоқда, тан олмоқда. Биргина 2008-2015 йилларда 620 нафардан ортиқ истеъдодли ўғил-қиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Голландия, Польша, Россия, Озарбайжон каби давлатларда ўтказилган турли нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, юксак натижаларга эришди.

Инсон кечаги турмушига қараб, бугунини ўлчайди, қиёс этади. Зеро, ҳақиқат ана шундай қиёсларда билинади, бўй кўрсатади. Шу маънода, ўтган даврда биргина таълим соҳасида амалга оширилган ишларга, эришилган натижаларга баҳо берад эканмиз, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган саволга жавоб топамиз. Кечаги ва бугунги ҳақиқат кўз ўнгимизда намоён бўлади. Мустақиллик йўли қанчалар машаққатга, қанчалар қувончларга тўла шарафли йўл эканига яна бир бор амин бўламиз.

Назарали ТИЛЛАЕВ

# САВОБТАЛАБ ФЕРМЕР

Тонг саҳарда Фозил ака 5 тонна тарвуз уздириб, келишилган вақтда пойтахтга жўнатди. Кундалик режа бўйича ишчиларига топшириқ бериб, кечки экинлар учун минерал ўғит ҳамда ёшилги олгани кетди...



Ғалла ўриб-янчиб бўлинди. Режа ортиги бўлган бажарилди. Энди бундойдан бўшаган майдонларни шугорлаш ва кейинги ҳосилга тайёрлаш керак. Пишиб етилган тарвуз, сабзи ҳамда бошқа мавсумий экинлар ўз вақтида йиғштириб олиниши учун ҳўжаликда 20 киши доимий, мавсумда эса 30-35 киши меҳнат қилади.

Янгийўл туманидаги “Топил қизи Тугмажон” фермер ҳўжалиги раҳбари Фозил Рихсибоев ишчиларига экинлар паваришида илгор тажрибаларни қўллаш, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли бажариш мўл ҳосил тўплашда асосий омил эканлиги, айниқса, ҳосилга ҳосил қўшилаётган паллада экинни алоҳида эътибор ва масъулият билан сўғориш лозимлигини қайта-қайта уқтиради.

– Бу йил қиш илқ келиб, қўждам анча орқага сурилиб кетди, – дейди фермер бир қатор полиз экинлари яшнаб турган далаларга ишора қилиб. – Керагидан ортиқ ёққан ёмғир полиз учун ҳам, мевалар учун ҳам зиён келтирди. Натижада энди бошоқлаётган ғалла занг касалига чалиниб, экин ривожини ва ҳосилдорлигини сезиларли таъсир қилди. Шундай бўлса-да узоқ йиллик тажрибаларимиздан фойдаланиб, табиатнинг бу инжиқликларига ҳам чап бердик. 50 гектар ғалладан 150 тонна ўрнига 185 тонна дон топириб,

режани 120 фоизга бажардик. Агар об-ҳаво яхши бўлиб, майсалар касалликка чалинмаганда даромадимиз икки ҳисса юқори бўлар эди. Шартномада кўрсатилган режани удалаб, давлатимиз хирмонига ҳисса қўшганимиздан маҳалла-кўй, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди.

Халқимизда “иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур” деган гап бежизга айтилмаган. Ҳар қандай замонавий фермернинг экинни оби-тобида парвариш қилиб, юқори ҳосилдорликка эришишида биринчи навбатда техника муҳим роль ўйнайди. Бу борада Фозил акада муаммо йўқ. Чунки дастлаб ҳўжалик ташкил бўлган йилдан бошлаб шу пайтга қадар Беларус 82, МТЗ-80 дори сепиш тракторлари, юк машинаси, тиркамалар ва бошқа агрегатларга ҳарид қилган. Бунинг устига ҳар йили даромадидан бирон бир янги техника олмаса, кўнгли жойига тушмайди. Фермернинг бу ташаббуси жамоада меҳнат унумдорлигини ошириб, барчани бирдек самарали меҳнат қилишини таъминламоқда.

Фозил ака умр йўлдоши Санобар опа билан уч ўғил, уч қизни вояга етказди. Ҳаммасини ўқитиб, касб-корли қилди. Бугун бир этак наби-ралари қуршовида умргузаронлик қилаётганига шукрона айтади. Фермер ҳўжалиги қошида озиқ-овқат,

гўшт дўконлари, новвойхона маҳалла аҳлига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Ўғиллари ҳўжаликда турли вазифаларни бажарса, келинлари дўконда савдосотиқ қилишади. Яқинда ҳўжаликнинг қўшимча тармоғи – автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилади. Шохобча ишларини кенжа ўғил Сайфулла Рихсибоев юритади.

– Маазкур фермер ҳўжалигига аъзо бўлганимдан гоёт мамнунман, – дейди механизатор Шерали Бадилов. – Уруғни ерга қадашдан, то ҳосилни йиғштириб олишга қадар бўлган даврда астойдил меҳнат қиламиз. Бунинг учун барча шарт-шароит етарли. Ўғит, ёшилги даланинг бошига ўз вақтида етказиб берилади. Тушликни дала шийпониде қиламиз. Ойлик маошмиздан ташқари, тўй қилмоқчи ёки уй қурмоқчи бўлганларга моддий ёрдам берилади. Фозил ака ана шундай

ган оилалар, ёлғиз яшаётган кексаларни ҳам эсдан чиқармайди.

Фозил ака ҳар йили режани ортиги билан бажариб, халқимиз дастурхонига сархил маҳсулотлар етиштириб бергани учун нафақат туманда, балки вилоят фермерлари орасида тилга тушган. Шу боисдан қаерда бўлмасин, илиқ сўзлар эшитади. Яқинда пойтахтда бўлиб ўтган семинарда соҳа раҳбарли: «Фозил ака, барака топин! Виламиз, меҳнатингиз оғир, қишин-ёзин тиним билмайсиз. Қаранг, бозорларимиз сиз каби соҳибкорлар етиштирган сархил мевачева, полиз маҳсулотлари билан тўлиб борапти. Бунинг учун мингдан минг раҳмат» деганида кўнгли тоғдек кўтарилди. Меҳнатлари сабаб элда обрў-эътибор қозонаётган фермер машинасига ўтираркан, қаватидаги инсонларнинг меҳнатқашлиги, тех-



валлама одам. Яқинда маҳалладан бир кишини уйи ёниб кетди. Шийпон атрофидаги тераклардан йиқитиб, юк машинасида чиқариб бердик. У бундай савобталаб юмушлардан ҳар йили бир нечтасини бажаради. Кам таъминлан-

никалар созлигини ўйлаб, даласига қайти. Дала шийпониде эса 4 бош соғин сигир, 2 бош от, 12 бош қўй ва 100 бош парранда парваришидан хабар олиш керак эди...

Бектош ИСМОИЛОВ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК ТОЗА МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА



1 Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси иштирокчилари Андижон, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятларда бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга ошириляётган ишлар билан яқиндан танишишди.

Ярмарканинг бир гуруҳ иштирокчилари Фарғона вилоятида бўлди. Улар “Фарғона гўшт-сут савдо” масъулияти чекланган жамиятини минг тонналик сизимга эга музлатгич камералари, “Fergana Fresh Fruits” компаниясининг 40 гектар майдондаги интенсив боғлари, Қувасой шаҳридаги “Муя” агрофирмаси шафтоли ва олма боғларини, Олтиариқ туманидаги тўрт минг тонналик сизимга эга музлат-

гичли камерани кўриб, вилоятнинг озиқ-овқат саноати соҳасида эришяётган ютуқлар билан танишди.

– Ўзбекистонда етиштирилган сифатли ҳамда экологик тоза мева, узум ҳамда полиз маҳсулотлари Россияда жулда қадрланади ва севиб истеъмол қилинади, – дейди Россия Федерациясининг “X5 Retail Group” компанияси вакили Манучар Кутателадзе. – Мазкур ярмарка ҳали ишга солинмаган имкониятларни юзга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бизга нафақат хўл мева, балки қурилган мева ва сабзавотлар, хусусан, туршак, майиз, пиёз, қарам ҳам манзур бўлди.

– Ҳозиргача Буюк Британия, Сингапур, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия каби давлатлар билан 200 миллион долларлик шартнома имзоланган, – дейди Ўзбекистон Савдосаноат палатасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбари Вахром Султонов. – Мазкур шартномалар узоқ муддатларга тузилгани билан янада аҳамиятлидир.

Ярмаркада иштирок этаётган Озарбайжон, Қозоғистон ва Россия компаниялари вакиллари Сирдарё вилоятининг Бобёут, Ховос, Мирзобод ва Сирдарё туманларидаги интенсив боғларда, мевани сақлаш ва қуришига ихтисослашган корхоналарда бўлди.

– Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, бозорлардаги тўқин-сочинликка ҳавасим келди, – дейди Озарбайжондаги “Агро-Юг” корхонаси директори Т.Вибетов. – Бундай тўқинлик, арзончилик, мўл-кўлчиликка шукр қилиш, унинг қадрига етиш зарур. Ҳамкорлик доирасини кенгайтириш учун “Сирдарё-савдоимпекс” компанияси билан йил охирига қадар 15 миллион долларлик мева, “Сирдарёнинг берёг”


жамиятидан эса 15 миллион долларлик қурилган мева-сабзавотлар харид қилиш бўйича шартнома имзолади.

Самарқанд туманидаги “Оҳалик олтин боғи” масъулияти чекланган жамиятида интенсив боғдорчилик усулида етиштириляётган ўн килга яқин мева ва узум навлари, “Агромир Самарқанд” қўшма корхонаси фаолияти хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда мева-сабзавотлардан консервланган маҳсулотлар, мева шарбатлари ва нектарлар ишлаб чиқарилади. Улар хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

– Тошкентдаги ярмаркада самарқандлик фермерлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотларини кўрғач, бевосита уларнинг иш жарёнига бўлган қизиқишимиз орти, – дейди Россия Федерациясининг Сахалин вилояти савдо ва озиқ-овқат вазири ўринбосари Наталья Розанова. – Бугун “Оҳалик олтин боғи” масъулияти чекланган жамиятининг интенсив боғлари, бу ерда жорий этилган илгор технологиялар билан танишдик. Самарқанддаги тарихий обидалар, диққатга сазовор жойларда бўлиб, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида тарихий обидалар ва бебаҳо меросни асраб-авайлашга юксак эътибор қаратиляётганига гувоҳ бўлдик. Регистон мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улдубек обсерваторияси бизда катта таассурот қолдирди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини давом эттирмоқда.

Сайёра ШОЕВА



бошқа бир кишининг имтиҳонга киришга уриниши. Бу олдиндан келишилган ҳолат бўлади. Қўзланган мақсад – моддий манфаат. Бунда абитуриентнинг тегишли ҳужжатлари қалбакилаштирилади. Албатта, бу каби ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилади ва Жиноят Кодексининг 228-моддасига биноан абитуриентнинг ўзига, унинг ўрнига киришни режалаштирган кимсага ҳам жазо чоралари қўрилади.

“Талаб бўлмаса, таклиф ҳам бўлмайди”, деган ибора бор. Агар шу фикрга таяниб хулоса қилсак, демак, олий ўқув юртига кириш учун қинғир йўллари талаб қилувчилар бор ва улар учун нопок ҳамда баднафс кимсалар

### Долзарб мавзу

ишлар бўйича проректори Ҳулўбек Абдуллаев шундай дейди:

– Икки йилча аввал Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидан бир отахон шикоят билан келди. Айтишларича, бизнинг институт талабаси ўқишга кириш шарти билан у кишининг неварасидан катта миқдорда пул олган. Отахон унинг на телефон рақамини, на манзилини билади. Биз талабаларимизнинг рўйхатини қўриб чиқдик. Ҳатто, битириб кетганларини ҳам. Унақа исм-фамилиялар инсон йўқ. Отахон деҳқончилик қилиб топганини йиғиб-териби фибрибгарнинг қўлига тузқазиб юбораверган.

Порахўрлик, фибрибгарлик, таъмагирлик, алдов ҳамма замонларда

# “ШПАРГАЛКА”, “БУНКЕР”, “ПАРОВОЗ”

ёхуд 1 августга ишонч, илм, адолат йўлидан бораёлик!

1 август... Мамлакатимизда кенг нишонланган, тантана қилинадиган саналар орасида унинг алоҳида ўрни бор. Бу – тест синовлари кунини. Бу сана фақатгина абитуриент учун эмас, балки ота-оналар, ўқитувчилар, олий таълим муассасалари, Давлат тест маркази каби бир неча мутасадди ташкилотлар учун ҳам синон кунидир. Ушбу кун катта тайёргарлик ва ҳаяжон билан кутилади. Кўнчилигимиз 1 августни ҳақиқий билим синовдан ўтайдиган кун, деб тушунамиз. Бироқ афсуски, бу кунни “катта миқдорда пул ишлаб олиш мумкин бўлган сана”, деб биландиганлар ҳам йўқ эмас.

йилда бу кўрсаткич яна 15-20 фоизга ошиши кутилмоқда. Бу табиий. Сабаби, ёшларимиз илмга чанқоқ. Аммо ҳақиқий билим эгаси бўлган ёшларнинг ишон-



чини сўндиришга, орзуларини поймол этишга, мақсадларини топташга ҳаракат қилувчи кимсалар ҳам борки, гўё улар ҳар қандай илмсизни ҳам олий ўқув юрти талабасига айлантиришга қодирдек. Айнан ана шундай кимсалар томонидан олий ўқув юртига ўқишга киришнинг “ўзига хос” усуллари “ишлаб чиқилган”.

Шуни аниқладикки, бугунги кунда учар фибрибгарлар томонидан ишлаб чиқилган ўқишга киришнинг 15 дан ортқ норасмий ва ноқонуний усуллари мавжуд экан. Бу усулларнинг номлари сизнинг қулоғингизга ҳам чалинган чикар: “Шпаргалка”, “бункер”, “паровоз”, “парашют”, “талкаш”, “танка”, “шпора”, “телепатия”, “солдат”, “телефон”, “х-вариант”...

Қизиғи шундаки, бу усуллар бир-бирига ўхшамайди ва вазифалари ҳам турлича. Энди ҳақли савол туғилади. Бу усуллар қай тарзда амалга оширилади?

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси матбуот котиби Абдурашид Алишиеров** бу ҳолатни шундай изоҳлайди:

– Амалиётда олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари олдиндан ва бевосита имтиҳон чоғи юз берадиган қонунбузарликлар, фибрибгарликлар учраб туради. Биргина мисол, бир абитуриентнинг ўрнига

ўз таклифини бериб келмоқда.

Айтишларича, ишончсизлик, адолатсизлик инсонни қинғир йўллари танлашга мажбур этаркан. Қайсидир маънода бу гапда жон бор. Агар абитуриент ўз билимига, савиясига ишонса, асло фибрибгарлар таклиф этган йўлни танламайди. Аммо, шу ўринда яна бир савол туғилади. Ўқишга киришти қўйишни ваъда бераётганларнинг тузоғига илинаётганлар абитуриентларми? Албатта, йўқ! Ҳақиқат шуки, муаммони туғдираётган ҳам, бош қашиб чорасини қидираётган ҳам виз – катталар, ота-оналар!

Афсуски, ёшларни чалғитаётган, ишончи ва иродасига болта ураёт-

қораланган. Бундай кимсаларга қонун ҳужжатларида ҳам, диний китобларда ҳам жазо муқаррарлиги айтиб ўтилган.

Ҳа, ҳар бир ўйламай босилган қадам ёки нафс йўлидаги фибриб ва алдовлар ҳеч қачон жазосиз, жавобсиз қолмайди. Аммо пулни қўлтиқлаб “нажот фаршталари”ни излаб юрган ота-оналар учун энг олий жазо – фарзанди келажагининг барбод бўлиши, фибрибгар учун – эл олдида, ақинлари орасида бош кўтара олмай қолиши, таъмагир педагог ходимлар учун эса “устоз” деган улғу мақомдан мосуво этилиши эмасми?

Муаммо негизини ўрганишга ҳаракат қиларканми, қалбимизда ҳавотирли савол туғилди. Соддадил, оққўнғил ҳамюртларимиз бу фибрибгарликлар, қинғирликларни қўриб, эшитиб, гувоҳи бўлиб юргани туфайли тест синовларининг ҳолислигига, адолатли ўтишига шубҳа билан қараб қолмаётганимизми?

Бугун камол топаман, илм эгаси бўламан, етук мутахассис бўлиб

Ватанимга хизмат қиламан, деган ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очиқ. 25 йил ичида тараққётнинг энг мақбул йўлини танилаб, дунёни лол қолдираётган мамлакатимизда таълим тизимида

ҳам оламшумул ислохотлар, хусусан, таълимнинг барча босқичларидаги чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда.

Ҳа, илм чиндан ҳам барча муваффақият эшикларини очувчи калит, келажак йўллари ёритувчи нур, бор моддий ва маънавий бойликларни инъом этувчи хазинадир. Томиримизда илм маъғи илм дунё саҳнини ёритган буюк аждодлар қони уфурётган экан, унга муносиб бўлмоқ бурчимиздир. 1 август кунига илм йўли орқали қадам ташлан! Фибрибгар ва олғир кимсалар тузоғига тушиб қолман! Зеро, ҳар бир инсон ўз келажиғи учун аввало, ўзи масъулдир!

Наргиза УСАНБОУВА



"Dvoman" "etuvdim", "yomi", "tel qimadi", "Kecha gaplawganimda ertaga gaplawamiza dudi", "babr" сингари тушунарсиз, чучмал ҳарфлар анча пайт миямни ачитди, бора-бора кўнжидим. Унга ҳам шу хилда хабар жўнатиш ҳадисини олдим. Вақтимни кизганимми, ёки одатлагандимми, ишқилиб, Гулноза билан шу хилда хабарлашишга ўргандим.

Гулноза – академик лицейнинг иқтидорли ўқувчиларидан бири. У мактаб давридаёқ она тили ва адабиёт бўйича билимлар синовида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Бироқ охириги пайтларда Гулноза ёзган ишончо диктантларида турли хатоларга йўл қўяётгани устозларини ташвишлантирар эди. Унга ёзма ишларини кўрсатишганда ўзи ҳам қамчиликларидан тажжубланиди. Бунга сабаб ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда сўзларни қисқартириб ёзгани, айрим ҳарфларни тушириб қолдиргани экани кейин билди.


Аксариyat ёшларимиз "twitter", "facebook", "telegram", "odnoklassniki", "viber", "line" каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда. Уларнинг тезкор ва қулайлиги сабабли истеъмолчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Тахлиллар шунини кўрсатадики, интернет орқали кунига 200 млрд.га яқин хат жўнатилади. Йил бўйи 7 трлн. электрон мактуб ўз эгасига узатилади. Аммо, бу тезкорлик ва енгиллик саводхонлик билан боғлиқ қўллаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айрим хабарларга эътибор берсак, ундаги қисқартиришлардан хайратланмасликнинг иложи йўқ. Масалан, "Ассалому алайкум" сўзи (Аа), "Ваалейкум ассалом" эса (ва.а), "Нима гаплар?" (нима гапла), "Телефон қилинг", (тел. х/нг), "Нега?" (не), "Қўйвер" (куор) тарзида ўзгарилади. Нутқимизда энг кўп қўлланиладиган сўзларнинг бу тарзда

қисқартирилиши тўғримикиан?

Гулмира Шукурова, ЎзДЖТУ ўқитувчиси:

– Дўстларим билан интернет тармоқлари орқали "гаплаш"ганимда сўзларни тўлиқ ва тушунарли ёзишга ҳаракат қиламан. Баъзан, улар ҳамма сўзларни тўлиқ ёзишнинг шарт эмас, ўзингизни чарчатиб нима қиласиз, дейишади. Уларнинг қисқа ёзишларидан нечоғлик қийналишимни тасаввур ҳам қила олишмайди. Бошқалар ҳам мендай азият чекишмасин деб, тўлиқ ва аниқ ёзишга интиламан. Ахир, фан-техника шиддат билан ривожланаётган бир пайтда билимимизни янада ошириш ўрнига, саводсиз бўлиб қолиш фожиа эмасми? Фақат бизда эмас, хоржий давлатлардаги интернет фойдаланувчилари ҳам сўзларни қисқартириб ёзишар экан. Инглиз, рус, француз, немис тилидаги қисқартирувлар тил ўрганувчиларда турли хил қийинчиликларни келтириб чиқаряпти. Улар қисқартириб ёзилган сўзларни ёхуд ибораларни ўрганишади, тўлиқ варианты эса ўрганилмай қолаверади. Илмий адабиёт ёки бадий асар ўқиганларида эса сўзларни тўлиқ вариантини билмасликларидан турли муаммоларга дуч келишади.

"Интернет алифбоси"да ҳисҳаяжонни ифодалаш учун тиниш белгиларидан ҳам "унумли" фойдаланилади. Жумладан, "?" белгиси (нималар



билан бандсан, "!" "кайфиятлар қалай", "))) – бу белги эса "хуш кайфиятни", "(((“ "хафалик"ни ифодалайди. Бу кетишда, сўзлар ҳарфлар билан эмас, балки тиниш белгилари билан ёзилса, ажаб эмас. Бу белгилар ростиан ҳам ўзлари ифодалаётган ҳис-туйғуларга яқинми?

Шохсанам Мирзолимова, талаба: – Виз курсдошларимиз билан "telegram" ижтимоий тармоғида талабалар гуруҳини очганмиз. Гоҳида дарслардан берилган топшириқларни сўраб ёзадиган бўлсам, улардан мана бу сўроқ "???" белгиларни жавоб сифатида қабул қиламан. Бундан қаттиқ жаҳлим чиқмади. Наҳотки, "Уар, уйга вазифа ёдимда йўқ", дейиш шу қадар қийин?

Яқинда шамоллаб қолганим учун, бир неча кун дарсга бора олмадим. Зерикчи кетганимдан "telegram"га

Оғриқли нуқта

қирдим. "Гузалиб қолдингми", "қачон дарсга чиқасан" саволлари ўрнига, улардан бир талай тиниш белгилари хабарларни олдим. Тўғри, қимгадир бу белгиларни хабар тарзида ёзиш, тез, осон ва қулайдир. Аммо, буларнинг бирортасида меҳр ва ҳарорат йўқдай, назаримда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, хабарларда ҳарфларни қисқартириб ёзиш одамни шошқалоқ, бесабр ва эътиборсиз қилиб қўяркан. Сабаби, олти ёки тўққиз ҳарфли сўзларни қисқартириб ёзганда инсон мияси вазифани тез ва осон бажаришга ўрганади. Оқибатда бора-бора бу сўзлар янада қисқариб боради.

Ачинарлиси, турли шеърлар, ҳикматли сўзлар, машҳур иқтибослар ҳам қисқартирилмоқда. Бундай сўзларни бузиш чуқур маъносига пулур етказиш билан баробардир. Жумладан, Мақсуд Шайхонданин қуйида бузилган мисраларида буни яққол кўришимиз мумкин.

Дбстлар яхилиқни авайлаб асран. Салом деган сўзну салмоғин оқлан. Ълганда 100 соат йиғлаганидан, Уни тириғида 1 соат йўқдан.

Фан-техника мўъжизаларидан бири – интернет қишларга мингла имкониятлар эшигини очди. Дунёнинг бир бурчида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни, дунёнинг нариги четида бемалол билиш мумкин. Бироқ, бу каби енгилликлар кишини ҳафсаласиз, беъэтибор қилиб қўяркан. Янада, интернетдан фойдаланиш маданиятига амал қилиш лозим. Шунда у инсон учун энг яқин дўстлардан бирига айланади.

Меҳрангиз ҒАНИЕВА

Самарқанд вилояти туманларидан бирида 12 ёшли болакай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот ходимларига отасидан арз қилган. Буни идорига бориб арз қилган, деб тушунмаслик керак, албатта. Аниқроғи, вояга етмаганларнинг ноқонуний меҳнатга жалб қилинишининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган "рейд"лардан бирида бозорда арава суриб юрган боладан нега бундай нишга қўл ураётгани сўраб-суриштирилади.

– Мен ҳам бозорга чиқишни истамайман, – дейди болакай. – Аммо... отам мажбур қилади. Йўқ, десам калтаклайди. Жўраларим тўғарақларга боради, спорт билан шугулланади. Уларни бозорда кўриб қолсам, жудаям уяламан.

Туман мутасаддиларининг аниқлашчи, боланинг оиласи нотинч оилалар сирасига қиради – ота ичкиликка берилган, она бу муаммодан қандай чиқиб кетишни билмайди. Маҳалла, мактаб, туман ҳоқимлиги – барчаси бу нишга бош қўшди. Кўп вақт ўтмади. Аини кунда болакай ўзи истагандай ўқиш билан банд. Ота даволаниш учун жўнатилади, оилга моддий кўмак берилади.

Бу каби воқеалар нотинч оилалар билан ишлаш тизими изчил ҳамкорликда ишлаш лозимлигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан

маҳаллаларда ташкил этилган бешта сектор ичиде анг асосийси – "Оилга кириш" сектори оилаларда мавжуд бир нечта муаммоларни бир йўла ўрганиб чиқиш имконини беради. Мазкур ўрганиш натижалари эса маҳалладаги оилалар аҳволига теран назар солишга, шу орқали ушбу маҳаллага лозим бўлган тарғибот тадбирларини режалаштиришга кўмаклашади. Агар бу натижалар туман, вилоят миқёсида жамланса, оилалар билан ишлайдиган мутасадди идораларнинг шунга мутаносиб тарзда иш режа тузиши катта аҳамият касб этади.

Оилдаги нотинчликларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла маслаҳатчиларининг оилаларга кириш ва аҳволни аниқ ўрганиш тизими ташкил этилган. Аини кунда вилоятда 821 104 оила мавжуд бўлса, шу давргача уларнинг 229 мингдан зиёди ўрганилди. Бу оилаларда қандай қамчиликлар бор, қандай кўмакка муҳтож – ҳаммаси жадал асосида умумлаштирилди.

Қолаверса, маҳаллаларда ташкил этилган комиссияларда ўтган давр давомида уч мингга яқин ҳужжат ва турли масалалар кўриб чиқилди. Уларнинг катта қисми оилаларий можаролардир. Ушбу можароларнинг 2131 таси муҳокама қилинди ҳамда 2111

тасида ушбу муҳокамалардан сўнг нотинчликка барҳам берилди, 761 оила ажралиш фикридан қайтди. Ўрганишларимиз натижа-сиде баъзи ёшларнинг оилга нисбатан масъулиятсиз ёндашувини кузатиш мумкин. Шунинг учун жойларда ёшларни кўпроқ спорт, маънавий тадбирларга жалб қилиш, чекка туман-



БОПАКАЙ НЕГА ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИ?

ёхуд оилалар хотиржамлиги йўлидаги ишлар хусусида

ларда ҳам ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш учун шароитлар яратиш ва улардан унумли фойдаланиш мумкин аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ёшларни фойдали машғулларга жалб қилиш орқали маҳалла маънавий ҳаётини мўътадил саклаётган ҳудудлар оз эмас.

– Маҳалла маслаҳатчисининг ўз ҳудудидаги оилаларга кириб бориши ҳеч қийинчилик тугдирмайди, – дейди Ургут тумани Бешқон маҳалласи маслаҳатчиси Зоҳида Элмуродова. – Битта маҳаллада нотинч оилалар сони санокди, демак, улар билан ишлашда имконият бор. Ас-

лида оилалардаги нотинчликларнинг олдини олиш фақат оила қурилгандан сўнггина "ҳолинг қалай", деб сўрашдан бошланмайди. Эр-хотин маънавиятли, дувёқарашли кенг бўлса, бу оилда жанжал чиқмайди. Бу борада аниқ тизим асосида ишлаймиз. Яъни, ёшларнинг нафақат бўлгуси оила раҳбарлари, балки жамиятнинг етук мутахассиси бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи маънавий имунитетини



БОПАКАЙ НЕГА ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИ?

ёхуд оилалар хотиржамлиги йўлидаги ишлар хусусида

мустаҳкамлаш йўлида қатор тадбирларни олиб борамиз.

Мисол учун, маҳалламиздаги 44-мактабда тахсил олаётган болаларнинг катта қисми спорт билан мунтазам шугулланади. Маҳалла қизларидан иборат футбол, гандбол, баскетбол жамоалари шаклланган, улар қатор мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Бундан ташқари, стол тенниси, кураш билан шугулланаётган йигит-қизлар ҳам кўпчилигини ташкил қилади.

Қолаверса, маҳалламизнинг ўзида коллежда тахсил оладиган ёки таълим муассасасини тугатган қизлар учун рубоб,

дугор тўғарақлари ташкил қилинган. "Ораста қизлар" тўғарағи аъзолари мусиқа, пазандачилик, каштачилик билан шугулланади. Кўпни кўрган онахоилар билан уюштирилган суҳбатлар давомида оилдаги гигиена ҳолатиго йигит кишининг қатъияти, аёлнинг саришталлиғи фариати – ҳамма-ҳаммаси қамраб олинади. Айтмоқчиманки, оилалардаги хотиржамлик фақатгина маслаҳатчининг оилга бориб, ҳолингиз қандай, деб сўрашидан иборат эмас. Бунда оиланинг ҳар бир аъзоси билан ишлаш нафақат бугунги, балки эртанги ёш оилалар хотиржамлиги учун пойдевор вазифасини ўтайди. Демак, оилалар хотиржамлигида бешта сектор баб-баравар ишлаши лозим.

Бешқон маҳалласига борганимда Зоҳида опанин сўзлари шунчаки ҳисобот учун айтилмаганига гувоҳ бўлдим. Бу ерда онахоилар ҳам ҳафтанинг маълум куни йиғилишиб, спорт билан шугулланар экан. Бир нечта спорт турларига қатнаши баробарида маълум саналар муносабати билан қизлар велопойга уюштириб туриши ҳайратимни опирди.


Маҳаллада таълим, тиббиёт муассасаси билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган, энг муҳими, 800 дан зиёд оилда истиқомат қилаётган аҳоли яхши ташаббус ижроси йўлида маҳалла билан елкама-елка ҳаракат қилмоқда.

Гулруҳ МЎМИНОВА

... Бекатда автобус кутиб турганим, 12-13 ёшлардаги бола сал нарида чекиб турган кишининг ёнига бориб: "Тутатиб олсам, майлими, амаки", дея қўлидаги сигаретни кўрсатди. Ҳалиги киши заррача ҳайратланмай фарзанди тенги болага олов тутди. Бола худди тажрибали кашандалардек амакининг гугурт тутган қўлига жимжилоғи билан уриб қўйди-да, нари кетди. Жуда ачинарли ҳолат. Ёшларга тўри йўлни кўрсатиш, янглиш қадами вақтида пайқаб, ўринли танбеҳ бериш катталарнинг вазифаси эмасми? Боланинг бегонаси бўлмайди. Балки ўша кишининг фарзанди ҳам ота-онасидан бекитиб сигарета чекар? "Бировнинг боласи билан нима ишим бор?", деган иддаоли ўйга боргандан кўра, хато қилаётган болани огоҳлантириш шу миллат, шу юрт келажагини ўйлайдиган оқил одамнинг иши ҳисобланади. Чекиш – инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши маълум. Усиб келаётган бола – ўсмирнинг организмга етказиладиган хавф эса бир неча баробарга ошишини барчамиз яхши биламиз-ку.

– Хушбўй ҳидли тутун, кўтаринки кайфият, тананинг ёқимли бўшаши... Наҳаёт ачинарли алданиш! Тарозининг бир палласига қисқа муддатли кайфни, иккинчи палласига кутилажак хавф-хатарни қўйиб кўринг, – дейди болалар шифокори Гулнора Каримова. – Чекиш оқибатида томирлар гораёиб, тўқима ва ҳужайраларга кислороднинг етиб бориши қийинлашади ва инсулт ҳамда миокард инфарктига чалиниш хавфи ортади. Шунингдек, нафас

## ЧЕКАЁТГАН ЎСМИР ТЕЗ ҚАРИЙДИ



аъзолари касалликлари – сурункали бронхит ва ўпка эмфиземаси, хавфли ўсма касаллигига чалиниш оҳтимоли юқори бўлади. Ўпка ракининг 90 фоизига айнан чекиш сабаб экани тиббиётда исботланган. Яна бир гап, кашанда болаларнинг териси тез қарийди, 15 ёшли чекувчи териси 30 ёшдаги каби ажин билан қопланади. У асабий, жаҳлдор бўлиб қолади: хотира, диққат, меҳнат қобилияти сусайиши кузатилади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарсга маълум бўлдики, дунё бўйича кашанда эркакларнинг деярли 1/5 қисми 8-9 ёшдан чека бошлаган, 92 фоиздан ортқ чекувчилар эса чекишга 19 ёшгача ўрганган. Бу иллат бизни

ҳам четлаб ўтгани йўқ. Агар охириги йиллардаги ижтимоий тадқиқотларни ҳисобласак, боланинг чекишга ружу қўйишига асосий сабаб — ота-онанинг эътиборсизлиги ва фарзанди учун кам вақт ажратишидир.

### БОЛАНИНГ МОЙИЛЛИГИ ҚАЧОН УЙҒОНАДИ?

– Боланинг чекишга мойиллиги 12-18 ёшда кучли бўлади. Фарзандингиз ким билан дўстлашаётганини доим назорат қилиб туриш, – дейди педагогика фанлари номзоди, доцент Лукмон Казаков. – Назорат кучли оилада тарбияланган боланинг чекишга мойиллиги кам бўлади. Чекиш орқали бола онгида тақлид уйғонади. Дастлаб у

шунчаки тақлид қилади, сўнгра чекишга ружу қўяди. Бунинг олдини олиш учун унинг вақтини мазмунли ўтказиш, бекорчи нарсалардан чалғитиш лозим. Шунда бола бундай иллатлардан анча йироқда бўлади.

### МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Тамаки таркибида 196 хил зарарли моддалар бўлса, уларнинг 14 таси наркотик моддалардир. Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тамаки – пассив наркотик деб эълон қилинган. Ундаги энг зарарли моддалардан бири бу – никотин. Никотин моддасини истеъмол қилганларнинг мияси бошқаларникига қараганда 5 фоиз заиф бўлади. Никотинни кўп истеъмол қилиш эса шизофренияга олиб келади.

"Насихатнинг яхшиси – ибратдир", деган эди донолардан бири. "Қуш уюсида кўрганини қилади" деганларидек, ўсмир чекувчи отасига тақлидан кашандага айланади. Бизнингча, чекишга ружу қўйган ота масаланинг шу томонларига ҳам жиддий эътибор қаратса ёмон бўлмасди. Инсонга бир мартаба бериладиган бу ҳаётни мазмунли ўтказиш, вақтдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чекиш ҳавас ёхуд бирор муаммонинг чораси эмас, бўлмайди ҳам. Ундан қутулишнинг бирдан-бир йўли эса сигаретадан буткул воз кечишдир.

Ифтихор СИДДИҚОВ,  
"Оила ва жамият" муҳбири

## ЎҒПИМНИНГ ҚОРНИ ОҒРИБ ҚОЛДИ...

– Ўғлим ўрикни юймай еган. Орадан бироз муддат ўтиб, қорни оғриб, ичи кета бошлади. Шифокорга учрасак, ўткир ичак инфекцияси, деган ташхис қўйишди. Бу қандай касаллик? Юқши йўллари ҳақида маълумот берсангиз?

О. Бекназаров,  
Бектемир тумани

Роза Жуманова, Тошкент шаҳар, Бектемир туман ДСЭНМ эпидемиология бўлими мудири: – Касалликнинг юқиш йўллари ва омиллари турлича. Совутгичда сақланмаган, узоқ муддат туриб қолган овқатларни истеъмол қилиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, қайнатилмаган сувни ичиш, сабзавот-меваларни ювмасдан истеъмол қилиш, белгиланмаган очиқ сув ҳавзаларида чўмилган пайтларда сувларни ютиш натижасида микробнинг организмга тушиши, ёш болаларга бериладиган қўшимча овқатларни тайёрлаш жараёнида санитария-гигиена қоидалари ҳамда сақлаш шароитларига риоя қилмаслик натижасида касаллик юқади. Касаллик асосан баҳор, ёз ва куз мавсумларида кўп учрайди. Кўнгил айнаши, қайт қилиш, ич кетиши, тананинг сувсизланиши, иштаҳанинг йўқлиги, қорин соҳасида оғриқ ва ҳолсизлик унинг белгиси.

Касалликнинг олдини олиш учун сувни қайнатилган ҳолда ичиш, сабзавот-меваларни ювиб истеъмол қилиш, қўлларни овқатдан олдин ва ҳолатдан сўнг совунлаб ювиш, совутгичда сақланмаган, узоқ вақт туриб қолган озиқ-овқат маҳсулотлари ва салатларни истеъмол қилмаслик, сабзавот-меваларни истеъмол қилгандан сўнг

қайнатилмаган сув ичмаслик, сув ҳавзаларида чўмилганда сув ютмасликка эътибор бериш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ёш болаларни иложи борида кўкрак сути билан боқиш, қўшимча овқатларни тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Бектемир туманида жорий йилнинг 5 ойи давомида ўткир юқумли ичак касаллиги билан 25 ҳолат рўйхатга олинган бўлиб, ўтган 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 17 та ҳолатга кайманган. Касалликнинг 90 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар орасида рўйхатга олинди. Тиббий ходимлар касалликнинг олдини олиш учун аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларини олиб бориши шарт.

– Мерос қачон очилади, шу ҳақида маълумот берсангиз?

Сиддиқжон Абдурахмонов,  
Тошкент вилояти

Гулироҳ ҲОТАМОВА, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, 2-дават нотариал идораси нотариуси: – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1116-1125 моддаларида меросга оид баъзи тушунчалар берилган. Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос қолдирувчининг ўлган қуни (зарурат бўлган пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Яқинда овсинимнинг қизида вирусли гепатит борлиги аниқланди. Уни шойлини равишда шифохонага ётқизиши ва муолажалар бошлаб юборилди. Вирусли гепатит қай йўл билан юқади, унинг клиник белгилари ва олдини олиш чора-тадбирлари нималардан иборат?

– Вирусли гепатитнинг А ва Е турлари юқумли бўлиб, бунда вирус жигар ҳужайраларини жароҳатлайди.

Касаллик кўзгатувчилари беморнинг сўлаги, қусуги, нажаси, пешоби ва нафас йўллари шилимшиқ суюқлиги орқали ташқарига ажралиб чиқади.

Вирус одам организмга асосан оғиз орқали қайнатилмаган сувни ичиш, вирус билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини, сабзавот-меваларни ювмасдан истеъмол қилиш, бемор фойдаланган идиш-товуқлар, чойшаб, ёстиқ жилди, кийим-кечаги, ўйинчоқлар, сўричлар ва ҳолат тувақларидан фойдаланиш, шахсий гигиена ва тозалликка риоя қилмаслик натижасида юқади.

Касалликнинг белгилари – кўнгил айнаши, овқатдан сўнг қайт қилиш, иштаҳасизлик, умумий ҳолсизлик, шиллиқ қавати ва терининг сарғайиши, ўнг қовурға тагида оғриқ. Касалликнинг олдини олиш учун биринчи навбатда вирусли гепатит-

## ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ ҚАНДАЙ ЙЎП БИЛАН ЮҚАДИ?



нинг А турига қарши эмлатиш керак, шунингдек, сувни қайнатилган ҳолда ичиш, сабзавот-меваларни ювиб истеъмол қилиш, озодалик ва шахсий гигиенага риоя қилиш, қўлларни овқатдан олдин ва ҳолатдан сўнг совунлаб ювиш, сув ҳавзаларида чўмилганда сув ютмасликка ҳаракат қилиш лозим. Тиббий ходимлар маҳалларда санитария тарғибот ишларини кучайтириб, амлашнинг аҳамияти тўғрисида аҳоли орасида маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб бориши тақозо этилади.

Зафар ОМОНТУРСУНОВ  
тайёрлади.

## МЕРОСХЎРЛАР ВОРИСЛИККА ЧАҚИРИПАДИ

қарориди бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт, деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар.

Шаҳноза ТОИРОВА  
тайёрлади.

Кекса киши нотариус ҳузуридан чиққач, атрофга мамнун кўз ташлади. Ўз ўзига сўйланди: “Худога шукур, анча кўнглим тинчиди... Энди хотиржам ўлсам ҳам бўлади”... Уйни ўғлининг номига васият қилиб ўтказди. Расмиятчилик ишларини тугатиб, кўчага чиқди. Кичикроқ емакхонада нонушта қилди. Бироз хиёбон кезди. Истироҳат боғининг бир бурчагида Жем Қоражанинг қўшиғи янграётган эди.

Қош қорая бошлагач, уйга қайтиш учун йўлга чиқди. Бир томондан ҳар хил ўй-хаёллар гирдобиди эди. “Вафотимдан кейин бунақа дардисар ишлар билан бошини оғритиб юрармиди? Уйни унинг номига расмийлашти-



Аҳмад Унал Жам

ва ақл-ҳуши жойида бўлмагани, ўз ҳолатини идора этолмаслиги доктор таххиси билан тасдиқлангани учун кўчмас ва кўчар мол-мулкни тасаруф этиш ҳукуки ўгли Сулаймонга ўтказилди...”

Қоғоз чолнинг қўлидан сирғалиб, ерга тушди. Бошини қуйи солди. Қоғозга ҳиссиз қараб турди. Кампир кўз ёшларини артиб, олдига келди. Чолнинг титраётган қўлларидан тутди. Чол ўғлининг нега бирдан ғамхўрлик қилиб, докторга олиб борганини энди тушунди. Юрагидаги алам ва ғазабни босишга уриниб:

– Уч йилдан бери қишлоқдаги ҳовлидан хабар олмадик. Қандай аҳволда экан-а? – деди.

– Нима бўларди, тургандир? Бир кунда тозалаб оламан, – деди кампир чолни овутишга уриниб.

– У уйда тиззаларинг увишарди сенинг...

Кампир кўксини ушлаб “Юрагимнинг увишаётгани ҳаммасидан ёмон” дея ўйлади:

– Хавотирланманг, совқотмайман, увишмайди тиззам...

– Эртага кетамизми?

– Сиз нима десангиз шу...

Чол чуқур тин олди. Жуда оғир аҳда қарор бераётгандек, вазмин товушда давом этди:

– Нарсаларимизни бирор таксига жойлаб, жўнатамиз. Ўзимиз автобусда кетамиз...

– Бўлади... Қишлоқда яхши-ёмон бор, мен ҳозирдан тайёргарлигимни бошлай.

– Тайёрлан. Бу қоғозни васиятнома билан бирга стол устига қўй. Ўғлимиз келиб қидириб, сарсон бўлмасин.

Чол ич-ичидан ўксинарди. “Дунё фоний...”, деган ўй хаёлида айлана-верди.

Кампир биров келиб қолмасидан тезроқ бу ердан кетиш тараддудида шопилганч нарсаларини йиғиштирарди. Кийим-кечакларини бир жомадонга жойлаштирди. Оилавий суратларни девордан олаётиб, ўғлининг суратига биров термулиб турди-да, сўнг уни жомадонга жойлаш фикридан қайтди. Стол устидаги қоғозлар устига тескари қилиб қўйди. Охирида девордаги кичкина мовий қўлқопчини олди, ўпди. Бу катта неварасига деб тўқирган жажжикина қўлқопча эди. Невараси улғайиб, қўлқоп кичкина келиб қолганида эса-ликка олиб қўйганди. Қўлқопчаларни жомадонга, суратлар устига оҳиста қўяarkan, кўзаларини оқаётган ёшни секин артиб, хўрсиниб қўйди...

Умида АДИЗОВА таржимаси

## ВАСИЯТНОМА

риб яхши қилдим. Васиятнома тайёр. Болам азият чекиб юрмасин...”. Ўғлининг ғамхўрлигини, ўзини шифокор кўригига олиб борганини эслади. “Бироз мазам бўлмаганида докторга олиб борди. Соғлигимга эътибор берганича, зиёратимга келишга ҳам вақт топса, қанчалар яхши бўларди-я...”. Бироз хомуш тортгандек бўлди: “Келин биздан хабар олишга қўймайди...”. Чуқур тин олиб, “ух” тортиди. “Майли, жони соғ бўлсин. Нима бўлганда ҳам невараларимнинг онаси. Ўғлимга, невараларимга яхши қараса, оиласи билан бахтли бўлса бўлди...” Бироз ўзига тасалли беришга уринди: “... Виз бутун бормиз, эртага йўқмиз...”

Уйга яқинлашганида яна тушқунликка тушди. “Ҳали кампирим нима дейди бунга? Келин уйимиздан оёғини узиб кетди, деб хафа бўлиб юрганди...” Минг бир хаёл билан кўнгирак тугмасини босди. Юзига табассум кўндиришга уринди: “Йўқ, яхши бўлди. Вафотимдан кейин ўғлим тинчгина юради. Овораю сарсон бўлмайди...”

Кампир эшикни очди. Қулимсирашга уриниб, кампиринга:

– Қандайсан энди? – деди.

Кампир кўлидаги гул сугорадагини идишни кўрсатди:

– Бўш ўтирмай, гулларни сугораётгандим. Атроф ашиқ бўлиб, яшнаб турса, дейман-да...

Уйга кираётиб давом этди:

– Шаҳарда гулу гиёҳларни, яшилликни соғинади одам... Барибир бу ерлар қишлоқдай бўлболомайди...

Кампирнинг ғамгин юзига мунгли табассум кўнишди.

– Қишлоқдай бўлболомайди. Ҳозир

қишлоқда бўлганимизда қандай яхши бўларди-я...

Чол бир муддат кампирининг юзига термулди:

– Сен қишлоқни севмасдинг-ку. Неча йилдирки бормаё кўйдик қишлоққа. Бурноғи йили бориб бир ой турмоқчи эдинг. Лекин кўп турмай “Невараларимни соғиндим”, деб туриб олдинг.

Кампир гулзор томонга юзини ўтирди:

– Қайдам, отаси... Ўйлайвериб қишлоқни кўмсадим-да... Инсон болалиқ ўтган жойларини кўмсар экан, дарактларни, боғ-далаларда кезишни соғинаркан киши...

– Ана холос! Бўлди, онаси, кетамиз! Сен истасанг бўлди, бу ерда бир дақиқа ҳам турмаймиз. Ҳаволар биров илисин, кетамиз...

– Ҳаво қачон исийди, деб кутиб ўтирамизми? Кутишнинг нима ҳождати бор?

– Ажабо, онаси! Неча йиллик жуфтмасан. Лекин хануз сени бутунлай биланаман дейман. Бир кун қишлоққа кетамиз, деб туриб оласан, бир кун қишлоққа бормаёман, деб оёқ тирайсан. Майли, кўявер, кел, бугун бир иш бўлди, айтиб берай сенга...

Кампир хавотир билан чолга қаради:

– Нима бўлди, ўғлимизни кўрдингизми?

– Йўғ-э, қаердан ҳам кўрардим?! Чол ўриндиққа ўтирди. Қўйнидан васиятнома қоғозини чиқарди.

– Бунинг нималигини биласанми?

– Йўғ... Нима экан?

– Онаси, эртага нима бўлиши

Аллоҳга маълум, омонатни топширганимиздан сўнг ўғлимиз эшикмаэшик сарсон бўлиб юрмасин, деб уйни васият қилиб қўйдим. Бу васиятнома қоғози.

Чол кампирининг юзига мамнун тикиларкан, унинг юзидида заҳархандани хурсандчилик белгиси дея ўйлади. Кампир пичирлаган товушда арағ сўзлади:

– Ўғлимиз келганди... Пешиндан аввал.

– Шундайми? Вой, хайрси! Шунча пайдан бери нега келмадинг, демардингми? Сени хафа бўлмасин, деб гапирмасдим, шу пайтгача бизни унутиб юборди дея ранжигандим ундан. Невараларини ҳам олиб келдимми?

– Муродни олиб келибди... У ҳам “Сикқилдим, кетаман”, деб инжиқланиб ўтирди.

– Вой, ноқобил... Кечқурун келса эди мен ҳам кўрардим... Тинчликмикан, нега кундузи келибди?

Кампир кўлидаги идишнинг суви тугаган бўлса-да, ўзини гулларни сугораётгандай тутиб, стол устидаги қоғозга имлади:

– Шу қоғозни олиб келибди...

– Чол кампирининг овозида титроқ хис этди-ю, парво қилмади. Севинчини йўқотмасликка уриниб, стол устидаги қоғозга қўл узатди.

Бу қоғоз маҳкаманинг қарори экан. Кампир йиғидан қизарган кўзларини чолга кўрсатмасликка уриниб, унинг кўлтигидан тутиб, ўриндиққа ўтиришга ёрдамлашди ва яна гулзор томонга йўналди.

Чол кўзойнагини тақиб, ичиди секин-аста ўқиб бошлади: “Кексайгани

Чўлда кетаётган икки дўст, бир пайт нима бўлди-ю, бир-бирлари билан гижиллашиб қолишди.

Шунда дўстларнинг бири иккинчисининг юзига тарсаки тортиб юборди. Тарсаки еганнинг жони оғриди, лекин ҳеч нима демасдан ерга эгилди ва қумга шундай деб ёзди:

“Бугун энг яқин дўстим менга тарсаки туширди”.

Яна йўлларида давом этишди ва битта воҳага чиқиб олишди.

У ерда кўзалари сувга тушди, чанқоқларини қондириш учун шошилишди. Шунда боя тарсаки

## РАНЖИСАНГИЗ ҚУМГА, СЕВИНСАНГИЗ ТОШГА ЎЗИНГ!

еган дўст сув бўйидаги ботқоққа тушиб кетиб, чўка бошлади.

Дўсти дарров ёрдамга шошилиб, уни ўлимдан қутқариб қолди. Ўзига келгандан кейин, биров муддат ўтгач, бу сафар бир тошга шундай деб ёза бошлади:

“Бугун энг яқин дўстим ҳаётимни сақлаб қолди”.

Уни кузатиб турган шериги сўради:

– Тарсаки тортувдим қумга ёздинг, энди эса тошга ёзаяпсан, нима учун?

Дўстининг жавоби қуйидагича бўлди:

– Бировдан оғринганимизда қумга ёзишимиз керакки, салгина шабада эсганди ҳам ўчиб кетсин. Аммо бировнинг яхшилигини тошга битишимиз лозим.

Токи ҳеч бир шаомол, бўронлар уни ўчира олмасин!

Oil va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газета

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар  
қўмитаси, “Болалар ва  
оилаларни қўллаб-қувватлаш”  
ассоциацияси (Болалар  
жамғармаси) ва “Соғлом авлод  
учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:  
Воҳид Луқмонов

Обуна  
индекси – 176

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент – 100000.  
Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)  
233-28-20, Котибхона:  
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Бюуртма Г – 736. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 3906. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топшириди – 15:00

Бош навбатчи: О. Жумабоев

Навбатчи: И. Сиддиқов

Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов

Газета тахририят компьютер марказида

терилди ва саҳифаланди

Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



7201076007

1 2 3 4 5